



The state of livestock breeding in the Surkhan Oasis in the 60s-90s of the XX century

Abdisattor KASIMOV¹

Termez State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

animal husbandry,
cattle,
cows,
fodder,
skin,
community farms,
meat and hides,
districts,
food,
rural population,
income,
export.

ABSTRACT

This article discusses that in the northern districts of the Oasis, more milk and meat were prepared, while in the southern districts, primarily blackbuck hides, wool, and leather were prepared. Therefore, the main income in sheep farming in the northern districts was obtained from sheep meat and skins, and in the southern districts from blackbuck skins and leather. The main income from cattle breeding was obtained from meat and skin in the northern districts, first from milk, and then from meat and skin in the southern districts, and the emergence of farms (mainly livestock). In 1992-1994, there is talk about the liquidation of state agricultural enterprises (sovkhoz).

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp344-348>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XX асрнинг 60-90-йилларида Сурхон воҳасида давлат хўжаликлари чорвачилигининг аҳволи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада воҳанинг шимолий туманларида кўпроқ сут ва гўшт, жанубий туманларида эса биринчи навбатда қорақўл териси, жун ва тери тайёрланганлиги, шунинг учун шимолий туманларда чорвачиликдаги асосий даромад қўй гўшти ва терисидан, жанубий туманларда эса қорақўл териси ва чармдан олинган. Қорамолчиликдан асосий даромад шимолий туманларда гўшт ва теридан, жанубий туманларда эса биринчи навбатда сутдан, кейин эса гўшт ва теридан олингани, фермер хўжаликлари

Калит сўзлар:

чорвачилик,
қорамол,
сигирлар,
ем-хашак,
қорақўл териси,
жамоа хўжаликлари,
гўшт ва тери,
туманлар,
озиқ-овқат,
қишлоқ аҳоли,

¹ Independent researcher, Department of World History, Termez State University

даромад,
экспортбоп.

(асосан чорвачилик йўналишидаги) пайдо бўлиши, 1992-1994 йилларда давлат қишлоқ хўжалик корхоналари (совхозлар) тугатилиши хусусида сўз юритилади.

Состояние животноводства в Сурханском оазисе в 60-90-е годы XX века

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

животноводство,
крупный рогатый скот,
коровы,
корма,
шкура,
общинные хозяйства,
мясо и шкура,
районы,
продовольствие,
сельское население,
доходы,
экспорт.

В этой статье описывается, что в северных районах Оазиса заготавливалось больше молока и мяса, тогда как в южных районах заготавливались в первую очередь шкуры черного козла, шерсть и кожа. Поэтому основной доход в овцеводстве в северных районах получали от овечьего мяса и шкур, а в южных — от шкур и кожи козлов. Основной доход от скотоводства получали от мяса и кожи в северных округах, а сначала от молока, а затем от мяса и кожи в южных округах, и появление ферм (главным образом скотоводческих). В 1992-1994 годах говорят о ликвидации государственных сельскохозяйственных предприятий (совхозов).

Воҳадаги бир қатор жамоа хўжаликларида чорвачилик сезиларли даражада ўсиб, маълум маънодаги ютуқларга ҳам эришилган. 1960 йили воҳадаги қорамоллар сони 49 % га, қоракўл қўйлари сони 72 % га, бошқа қўйлар сони 38 % га, эчкилар эса 52 % га кўпайтирилди. Чорва моллари сонининг ошиб бориши аҳоли сони ва янги хўжаликларнинг кўпайиб бориши билан ҳам изоҳланади (1.1-жадвалга қаранг). Воҳада майда туёқли чорва моллари жами чорванинг 47,9 % ни, жумладан, Деновда 38 % ни, Шерободда 57,7 % ни, Термизда 47,5 % ни, Шўрчида 52,5 % ни ташкил этган. Ушбу йилда шахсий хўжаликларга воҳадаги жами чорванинг, хусусан, йирик шохли қорамолнинг 44 %, жумладан, сигирларнинг 60,9 %, қўй ва эчкиларнинг 14,5 %, отларнинг 4,8 % тўғри келган[1]. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб наслдор қорамол етиштирувчи кўпгина хўжаликлар ем-хашак билан етарли таъмин этилмаганлиги сабабли оғилхоналарда мол боқишдан воз кечиб, уларни яйловларга ҳайдаб боқишга мажбур бўлдилар. Воҳадаги чорва хўжаликларида ем-хашак базасининг етишмаслиги молларни оғилхоналарда боқиш усулини жорий қилиш йўлида жиддий тўсиқ бўлди.

Воҳанинг шимолий туманларида кўпроқ сут ва гўшт (50 % дан ортиқ), жанубий туманларида эса биринчи навбатда қоракўл териси, жун ва тери тайёрланган. Шунинг учун шимолий туманларда қўйчиликдаги асосий даромад қўй гўшти ва терисидан, жанубий туманларда эса қоракўл териси ва чармдан олинган. Қорамолчиликдан асосий даромад шимолий туманларда гўшт ва теридан, жанубий туманларда эса биринчи навбатда сутдан, кейин эса гўшт ва теридан олинган[2]. Воҳадаги бир қатор жамоа хўжаликларида чорвачилик сезиларли даражада ўсиб, маълум маънодаги ютуқларга ҳам эришилган. Бунинг Ангор тумани “Куйбишев” номли жамоа хўжалиги мисолида чорва молларининг ўсиш кўрсаткичидан ҳам билиш мумкин[3]:

1.1-жадвал

№	Чорва молларнинг тури	1966	1970	1975	1979
1	қорамоллар	864	1210	1533	1712
2	қўйлар	4560	6360	7349	7515

1965-1975 йилларда воҳадаги қорамоллар сони 178,8 мингдан 274,4 минг бошга, қўй-эчкилар 749,7 мингдан 862 минг бошга, жумладан, қорақўл қўйлар 342,1 мингдан 355 минг бошга етказилди[4]. Воҳа аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги силжишлар натижасида эркин ва арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилди. Ўтган асрнинг 80-йилларида республика қишлоқ хўжалигида, хусусан, чорвачиликда таназзул жараёнлари чуқурлашиб борди. “Пахта яккаҳокимлиги” таъсирида чорвани моддий қўллаб-қувватлаш издан чиқиб, эътиборсизлик туфайли чорва моллари сони камайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам пасайди[5]. 1981-1990 йилларда воҳадаги қорамоллар сони 316,6 минг бошдан 129,0 минг бошга, жумладан, соғин сигирлар 148,0 минг бошдан 36,5 минг бошга, қўй ва эчкилар 918,4 минг бошдан 373,9 минг бошга, жумладан, ҳисори қўйлар 400,3 минг бошдан 145,8 минг бошга тушиб қолади[6]. Чорвачиликка нисбатан бу тариқа қўйилган хато-камчиликлар оқибатида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмади. Бу даврда, айниқса, чорва молларининг режасиз тарзда сотиб ёки сўйиб юборилиши авж олдирилган[7]. Бу эса зотли наслдор қорамоллар, шунингдек, сутдор соғин сигирларнинг тезда камайишига олиб келган.

Мустақилликкача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам бошқа собиқ совет республикаларидаги каби иккита секторга бўлинган эди: 1) йирик жамоа ва давлат хўжаликлари (колхоз ва совхозлар), 2) қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг унчалик катта бўлмаган шахсий ёрдамчи хўжаликлари[8]. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар совет ҳокимиятининг сўнгги ўн йилида шудгор қилинадиган ерларнинг атиги 3 фоизидан фойдаланган ҳолда, республика ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 20-25 фоизини ишлаб чиқарарди[9]. Бу борада шуни эътиборга олиш керакки, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари ишлаб чиқариш учун колхоз ва совхозлар ресурслари, шу жумладан, ерларидан фойдаланган (жумладан, норасмий).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди. Қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда хусусий секторга бўлган эътибор кучайтирилди[10]. Чорвачилик, аксарият хўжаликларнинг қорақўлчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. Чорвачилик хўжалигини ривожлантиришга давлат томонидан катта аҳамият берила бошланиши ўз навбатида аҳолида ушбу хўжалик турини юритишга нисбатан

манфаатдорлик ҳиссининг пайдо бўлишига ва энг муҳими ушбу соҳанинг ривожланишига ўзига хос замин яратди.

1991 йилда республикада дастлабки фермер хўжаликлари (асосан чорвачилик йўналишидаги) пайдо бўлди. 1992-1994 йилларда давлат қишлоқ хўжалик корхоналари (совхозлар) тугатилиб, уларнинг негизида ширкатлар, агрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этилди. 1998 йилдан колхозлар негизида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) ва фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни фаоллашди. Агар 1992 йилда воҳада жами 261 та фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, 1995 йилда мазкур хўжаликлар сони 2003 тага, 1999 йилда эса 2814 тага етди[11].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада шахсий хўжаликларда жами қорамолнинг 70 % и, қўй ва эчкиларнинг ярми боқилган. 1991-1994 йилларда бу хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 30 % дан 44 % га етган. Уларда жами сутнинг 76 % и, гўштнинг 70 % и етиштирилган. 1994 йилда республикада чорвачилик маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сутга давлат буюртмаси тўлиқ бекор қилинган[12]. Бу хўжаликларга ўз маҳсулотларини бозор нархларида эркин сотиш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қабул қилинган қарорларига кўра, 1995 йили воҳадаги жамoa хўжаликларининг зарар билан ишлаётган бир қатор қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди. Ўша йилдан республикада ишлаб чиқариладиган гўшт ва сутнинг 75 % ини хусусий сектор бера бошлади[13]. Бу даврда воҳадаги қорамоллар сони 44,3 минг бошга, қўй ва эчкилар эса 906,3 минг бошга етказилди[14].

Ўзбекистонда чорва туёқ сонлари тиклаш ва кўпайтириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. 1996 йили воҳадаги Жарқўрғон туманида ҳиссадорлик жамиятлари шаклини олган 12 та қорамолчилик, 2 та қўйчилик фермалари, 27 та хусусий фермалар фаолият кўрсатди[15]. 1997-1998 йилларда воҳада қорамоллар сони 425091 бошдан 433800 бошга, қўй ва эчкилар сони эса 940430 бошдан 951372 бошга етказилди[16]. Бунинг Денов туманидаги чорва моллари сонининг ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин[17]. Шунингдек, 1998 йилда Жарқўрғон туманида қорамоллар сони 46469 бошга, қўй ва эчкилар сони 102456 бошга, отлар сони 595 тага, туялар сони 21 тага етказилди[18].

1997 йилда республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 43,4 %и, 1998 йилда 44,8 %и чорвачиликка тўғри келган[19]. Чорвачиликнинг асосий маҳсулоти – сут ва гўшт тайёрлашнинг ўсиши жамиятни юксалтириш учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Негаки, бу маҳсулотлар асосий озиқ-овқат гуруҳига киради ва қишлоқ аҳолиси даромадининг муҳим манбаи ҳисобланади. Соҳа муваффақиятли ривожланганида эса экспортбop товарлар ҳажми кўпаяди. *Чорвачилик самарадорлиги* ҳам оилалар даромади учун янада катта аҳамиятга эга. Яна шуни таъкидлаш керакки, чорвачилик деҳқон хўжаликларида оилада маблағ жамғариш ва уни кўпайтиришдек ўзига хос вазифани бажаради.

Ҳозиргача воҳа аҳолиси ўртасида келинга юбориладиган қалин таркибига, албатта бир-нечта қўй ва эчки (улоқ) қўшиш одати сақланиб қолган. Ўтган аср бошларида ўзбек қўнғиротларида қалин таркибига одатда 50 тадан 100 тагача қўй кирган. Боботоғ дўрмонларида эса қалинга 100 бош қўй ва 10 бош қорамол, 4 та от берилган. Шунинг учун ҳам айрим дўрмон уруғига мансуб эркаклар қалинни

тўлашга имконияти йўқлиги учун камдан кам ҳолларда 40 ёшгача уйланмаган[20]. Йиллар ўтган сайин қалин таркибидаги чорва сони қисқартириб борилган. Ахборотчиларнинг маълумот беришича, ўтган асрнинг 60-70-йилларида қўнғиротларда қалин таркибида 20 та қўй ва 1 бош бузоқли сигир, 90-йилларда эса 6 та қўй ва улоқ бўлиши шарт бўлган. Тўй маросимларида меҳмонлар, айниқса яқин қариндошлар имкониятига қараб пулдан ташқари қўй, эчки, хўкиз, от ва туяни тўёна сифатида қўшишган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сурхан-Шерабадская долина // Сборник научных трудов ТашГУ. – Т., 1964. – С. 145.
2. А.Рўзиев, Сурхон-Шеробод қишлоқ хўжалиги. – Б. 52.
3. С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Б. 262–263.
4. С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Б. 416–417.
5. С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Б. 263.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 г. – Т., 1985. – С. 140–143.
7. Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. –Т.: Насаф, 2010. –Б.30.
8. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Б. 512.
9. Изоҳ 3.: Вазирлар Маҳкамасининг 13-(1993 йил январь), 137-(1993 йил март), 87-88-(1994 йил февраль-март) сонли қарорларига мувофиқ барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасининг аста-секин камайтирилиши тадбири ишлаб чиқилган эди.
10. Чорвачилик // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. – Б. 646.
11. С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Б. 511.
12. С.Турсунов, А.Тўхтаев, Жарқўрғон. – Т.: Фан, 2009. – Б. 216.
13. С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Б. 512.
14. С.Турсунов, Т.Турдиев, Денов. – Т.: Фан, 2009. – Б. 269.
15. С.Турсунов, А.Тўхтаев, Жарқўрғон. – Т.: Фан, 2009. – Б. 216.
16. А.Рўзиев, Сурхон-Шеробод қишлоқ хўжалиги. – Т.: Ўзбекистон, 1967. – Б. 125.
17. Жданко Т.А. К вопросу о хозяйственно-культурном типе полуседлых скотоводов... – С. 83.